

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.02(575.1)

АХМЕДОВ БЕХЗОД ШУХРАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д.,проф.Аллаяров Ш.А.

Тошкент – 2025

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	16
1.1.	Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги тизимида молиявий хавфсизлик ва унинг шаклланишининг илмий-назарий, услубий асослари.....	16
1.2.	Мамлакат молиявий хавфсизлиги тизимининг асосий элементлари.....	31
1.3.	Молиявий хавфсизлик индикаторлари тизимини шакллантириш	44
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	53
II БОБ	МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	55
2.1.	Молиявий хавфсизликни таъминлашда рискларни баҳолашнинг илмий-услубий асослари.....	55
2.2.	Ўзбекистонда молиявий хавфсизликни таъминлаш юзасидан давлат қарзлари ҳолати таҳлили.....	67
2.3.	Молиявий хавфсизликка унинг кўрсаткичлари таъсирини баҳолашнинг эконометрик таҳлили.....	93
	Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	107
III БОБ	МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	109
3.1.	Молиявий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва мезонлари.....	109
3.2.	Молиявий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларида солиқ интизомини мустаҳкамлаш йўналишлари.....	129
3.3.	Давлатнинг самарали инвестиция сиёсати истиқболларида молиявий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўллари.....	143
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	158
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	160
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	164

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон миқёсида давлат молияси, минтақавий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқлари тараққиёти молиявий асослари барқарорлигига эришиш мақсадида давлат сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг диққат марказида – айнан молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи ётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. “Инфляцияни назорат қилиш мақсадида асосий ривожланган давлатларда фоиз ставкалари кўтарилиш натижасида 30 дан ортиқ давлат қарз инқирозига дуч келди, фоиз ставкалари ўсиши уй-жой нархларини туширди. 2022 йилнинг иккинчи ярмида ривожланаётган бозорларда уй-жой нархлари ўртача 60% пасайди”¹. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган молия тизими ислоҳининг алоҳида бир йўналиши сифатида молиявий хавфсизликни таъминлашга оид муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда молиявий хавфсизлик бўйича бир қатор халқаро ташкилотлар тадқиқотлар олиб бормоқда. Улар молиявий тизимларнинг барқарорлиги, хавфларнинг мониторинги ва бошқа молиявий хавфларни камайтиришга қаратилган бўлиб, Халқаро Валюта фонди (IMF) молиявий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни кузатиш учун глобал молиявий мониторинг олиб боради. Унда молиявий таҳдидлар, инфляция, кредит рисклари ва давлат қарзи бўйича тадқиқотлар ўтказиб, молиявий ташкилотлар ва давлатлар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқади. Жаҳон Банки молиявий барқарорлик ва ривожланишга қаратилган тадқиқотлар орқали ривожланаётган давлатларда молиявий секторнинг барқарорлиги ва ҳукуматлар билан ҳамкорликда молиявий хавфларни камайтириш учун дастурлар ишлаб чиқмоқда. Европа Марказий Банки (ЕСВ) томонидан Европада молиявий хавфсизликни таъминлаш ва қарзлар билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиб, молиявий таҳдидлар ва инфляциянинг салбий таъсирларини камайтириш учун чоралар

¹ <https://www.elibrary.imf.org>.

тақдим этилмоқда. Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) молиявий хавфсизлик билан боғлиқ савдо ва инвестицияларнинг глобал иқтисодиётга таъсирини баҳолаш, молиявий аҳволни яхшилашга қаратилган бозор механизмларини аниқлаш, молиявий хавфсизликни таъминлаш ва глобал молиявий тизимлар барқарорлигини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар олиб боради.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида молия тизими мураккаб ривожланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтди ва бу борадаги ислохотлар изчил такомиллашиб бормоқда. Жумладан, сўнгги йилларда, мамлакатимиз молия тизими давлат бюджети тақчиллигини камайтириш ва даромад қисмини мустаҳкамлашга йўналтирилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш мақсад қилиб олинган бўлиб, унда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш ҳамда давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларида ошиб кетмаслигини таъминлаш” каби вазифалар белгиланган.²

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғриси”даги ПФ-60-сон Фармонида 1-илова. <https://lex.uz/docs/5841063>